

## Гидроэнергетика Саноатига Инвестицияларни Жалб Қилишда Бозор Механизмларидан Фойдаланиш

**Ғ. Зиёдуллаев Шароф Рашидов**

Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали Бизнесни бошқариш таълим  
юналиши 3-босқич талабаси

**Ш.Келдиёров Шароф Рашидов**

Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали Бизнесни бошқариш таълим  
юналиши 3-босқич талабаси

**О. Н. Хаитов Шароф Рашидов**

Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали ассистенти

**Аннотация:** мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашда гидроэнергетика соҳасининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу соҳада инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга ошириш мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Таянч сўзлар:** Жаҳон банки, саноат корхоналари, кимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда инвестициялар муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этилиши, унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштиради, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали мамлакат иқтисодиётини юксалишига олиб келади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашда гидроэнергетика соҳасининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу соҳада инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга ошириш мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилда мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттли буғ-газ қурилмалари, 400 мегаваттли шамол ва шундай қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар режалаштирилган.

Таҳлилларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Бу эса, энергетика тизимида жуда катта ўз ечимини топиши лозим бўлган вазифалар борлигини кўрсатади.

Мамлакатда келиб чиқиши органик бўлган ёқилги (нефт, табиий газ) захираларининг доимий равишда камайиб боришини, атмосферага атроф- мухитга зарарли чиқиндилар чиқишини камайтириш масаласининг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришда ресурс ва харажатларни тежаш зарурати, унинг самарадорлигини ошириш зарурати негизда қуйидаги муаммолар жуда долзарб бўлиб қолмоқда:

- энергия ишлаб чиқаришнинг инновацион ва самарали усуллари жорий этиш (технологик янгилик);
- ишлаб чиқариш активларини бошқариш тизимини модернизация қилиш, уларнинг самарадорлиги ва мавжуд бошқарув тизимининг (технологик бўлмаган инновациялар) самарадорлигини ошириш;
- энергия тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Гидроэнергетикани ривожлантириш лойиҳалари иқтисодиётда узоқ йиллар давомида барқарор электр энергиясига бўлган юқори талаб шаклланган ҳолатда иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратиш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, уларни модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Ички ресурслар чекланганлик шароитида гидроэнергетика тизимида ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистонда 48 та йирик сув омборлари (йирик сув омбори сифими 10 млн. м<sup>3</sup> дан ортиқ) қурилган ва фойдаланилмоқда. Барча сув омборлари умумий сифими 24 млрд. м<sup>3</sup>, шу жумладан Амударё ҳавзасида 15,5 млрд. м<sup>3</sup> ва Сирдарё ҳавзасида 8,5 млрд. м<sup>3</sup> дан ошади. Сувнинг ҳарактсиз ҳажмини (нормал иш шароитида ишламайдиган резервуар ҳажмининг бир қисми) ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон сув омборларининг фойдали ҳажми 19,2 млрд. м<sup>3</sup> ни, шу жумладан Амударё ҳавзасида 11,86 млрд. м<sup>3</sup> ва Сирдарё ҳавзасида 7,35 млрд. м<sup>3</sup> ташкил этади. Аммо, Ўзбекистонда 48 та йирик сув омборларидан 40 тасида гидроэлектрстанциялар мавжуд эмас<sup>70</sup>. Бу ҳолат гидроэнергетика соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўплигини ҳамда фойдаланилмаётган гидроэнергетика имкониятлари юқорилигини кўрсатади.

Мамлакатимизда 2017 йилда 37 та фаолият юритаётган гидроэлектрстанциялар томонидан 7,93 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилган, яъни мавжуд потенциалнинг 29 фоизидан фойдаланилган. Республиканинг фойдаланилмаётган сув оқимлари йилига 19,47 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “2017 - 2021 йилларда Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича чора- тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-2947-сонли Қарорига мувофиқ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг республикадаги табиий сув оқимлари ва сув иншоотларида янги гидроэлектрстанцияларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича жами қиймати 2,6 млрд. АҚШ доллари бўлган 32 та инвестиция лойиҳалари амалга ошириш белгилаб берилди. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида қуввати 2 370 МВт бўлган экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбалари ташкил қилинади. Шунингдек, табиий сув оқимлари ва сув иншоотларида янги гидроэлектрстанцияларни қуриш ва модернизация қилиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхати ҳам ишлаб чиқилиб, лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,7 млрд. АҚШ доллар бўлган 42 та истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ лойиҳаларини молиялаштиришда халқаро молиявий

институтларнинг кредит линиялари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида жалб қилинган.

жадвал “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан барча молия ташкилотларидан

**жалб қилинган кредитлар (01.01.2020 й. ҳолатига)<sup>71</sup>**

Кредитор ташкилотлар	Валюта	Шартнома суммаси	Кредит қолдиғи	
			микдори	улуғи, %
<b>Жами</b>			<b>126,6</b>	<b>100,0</b>
Эксимбанк, ХХР(Туронбанк)	млн. АҚШдоллари	58,5	38,0	30,0
		63,0	45,0	35,6
		22,9	11,2	8,8
Эксимбанк, ХХР(Миллийбанк)	млн. АҚШдоллари	10,0	3,0	2,3
		5,9	1,7	1,4
Внешэкономбанк, Россия (Миллийбанк)	млн. евро	45,2	10,3	
	*млн. АҚШ доллари экв.	50,0	11,4	9,0
ЎзР ТТБ (Саноаткур-шбанк)	млн. АҚШдоллари	21,0	16,3	12,9

*\*Внешэкономбанк қарзининг АҚШ долларида эквиваленти.*

Жаҳон банкининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси 2030 йилга қадар юқори ўрта даромадли (upper middle-income) мамлакатлар қаторига қўшилади<sup>72</sup>. Бу ўз навбатида, мамлакатнинг имтиёзли кредитлар олиш имкониятини чеклаб, унинг қарзга бўлган эҳтиёжини тижорат шартларида молиялаштиришни тақозо этади.

Хорижий давлатлар тажрибасида гидроэнергетикани ривожлантиришда тўғридан-тўғри инвестициялар, жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналиши сифатида фонд биржаларида акцияларни IPO (SPO) шаклида жойлаштириш, давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва хусусий секторга кичик гидроэлектрстанциялар барпо этишни бериш амалиётларини кузатишимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг гидроэнергетика соҳасининг ривожланиш босқичлари яқин бўлган МДХ давлатлари тажрибасини ўрганганимизда юқорида таъкидланган йўналишлар амалиётга тадбиқ қилинганлигини ва самарали натижалар бераётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясида энг йирик “РусГидро” ОАЖ гидроэнергетика компанияси<sup>73</sup> ва “Евросибэнерго” энергохолдинг компаниялари<sup>74</sup> IPO (SPO) бўйича эмиссияларни жойлаштириш орқали бир неча йиллардан буён инвестицияларни жалб қилаётган бўлса ва Қозоғистон Республикасининг “Самрук-Энерго” энергетика компанияси ҳам ушбу йўналишда фаол иш олиббормоқда.<sup>75</sup>

Иқтисодий луғатлар ва кўп сонли мақолаларда келтирилган таърифларга кўра, IPO (initial public offering) – бу акцияларни бирламчи оммавий таклиф этиш (яъни акцияларни компания томонидан кенг оммага биринчи марта сотувга чиқариш). Ушбу жараён натижасида компания оммавий компанияга айланади. SPO (secondary public offering) – бу акцияларни иккиламчи оммавий таклиф этиш (яъни мавжуд йирик акциядорларга тегишли бўлган акцияларни улар томонидан кенг оммага сотиш). Ушбу жараён натижасида бир акциядорга тегишли бўлган акциялар бир неча кўп сонли акциядорлар қўлига ўтади. Демак, ривожлантиришда тўғридан-тўғри инвестициялар, жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишда янги имкониятларни очиб беради. Шунингдек, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий ва энг самарали йўналишларидан бири бу давлат-хусусий шериклик йўналишидир. Ўзбекистон Республикасида 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” Қонун қабул қилинди ва давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг ҳукуқий асоси яратилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ички ресурслар ва давлат қарзи чекланганлик шароитида гидроэнергетика тизимида ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этишда қуйидаги таклиф-тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш ҳамда маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида акцияларни IPO (SPO) кўринишида жойлаштириш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шу жумладан халқаро молиявий институтлар маблағларини жалб қилиш;
- хусусий инвестицияларни, шунингдек хорижий инвесторлар ва халқаро молиявий институтлар маблағларини самарали жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш мақсадида гидроэнергетика соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга оширишни жорий қилиш;
- гидроэнергетикани ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида янги қувватини ошириш, кичик гидроэлектрстанциялар барпо этишни хусусий секторга бериш орқали хусусий секторга хорижий инвесторлар ва халқаро молиявий институтларни кенг жалб қилиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги вақтда янги гидроэнергетика иншоотларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш нуктаи назаридан соҳада фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича акцияларни жойлаштириш, давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш ва кичик гидроэлектрстанциялар барпо этишни хусусий секторга бериш мамлакатимизга хорижий инвесторлар ва халқаро молиявий институтлар инвестицияларни жалб қилиш масалаларига янги ёндашувни шакллантиради ва мамлакатимизда энергия тақчиллигини бартараф этишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
2. Қудратов Ш.Ғ. Ўзбекистон Республикаси фонд бозори ва унинг ривожланишига таъсир қилаётган асосий муаммолар. *Международный научный журнал № 2 (100), част 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022. С. 688.*
3. Султонов Ш.Н. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш йўллари. *Иқтисодиёт ва таълим / 2022-йил 5-сон.*
4. Нурмухамедов А.А. Нурмухамедова Б.И. Фонд бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги. "Скиэнке анд Эдукатион" Скиэнтифик Жоурнал. / ИССН 2181-0842 Март 2023 / Волуме 4 Иссуэ 3